

*Кеңири мили
бўлмоқ ҳақида
қиссалар.*

Бу қиссалар бизга афв қилмоқ ва көчиримли бўлмоқ – тақводор ва Аллоҳ ва унинг расулига итоаткорларнинг сифатларидан эканлиги, ҳамда Аллоҳ яхши кўрган ва шунга чақирган хулқлардан бири эканлигини баён қиласди. Пайғамбаримиз-саллалоҳу алайҳи ва саллам-ушбу сифат билан хулқланганликлари ҳақида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мўмин-мусулмон банданинг шиори эса – ёмонлик қилган кимсаларни чиройли афв этиб, көчиримли бўлмоқ билан зийнатланиш бўлган.

У зотларни бу сифатга унданаган нарса – улар "Муҳсинларнинг даражаси Аллоҳнинг ҳузурида нақадар олий эканини" - билганлари туфайли эди:

﴿وَالْكَافِرُونَ لَا يُحِبُّنَّ الْمُحْسِنِينَ﴾

آل عمران: ۱۳۴

(У тақводор зотлар) ғазабларини ичларига ютадиган, одамларни афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилгувчиларни яхши кўради.

Оли Йиғрон сураси, 134- оят.

Аллоҳ таоло афв қилгувчи, көчиримли бўлган инсонларнинг гуноҳларини кечирали. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿ وَلَيَعْفُوا وَلَيَصْفَحُوا أَلَا تَبْجِبُونَ أَن يَغْفِرَ اللَّهُ لَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾
النور: ٢٢

Улар афв қилиб, кечирсингар! Аллоҳ сизларни мағфират қилмоқни истамайсизларми? Аллоҳ жуда ҳам Мағфиратли, Мөхрибон Зотдир.

Нур сураси, 22 – оят.

Мусулмон киши қудрати етгунча афв қиласи, кечиримли бўлади. Мана шу афв қилмоқ ва кечиримли бўлмоқнинг энг юқори даражасидир.

Қўйидаги гўзал намуналарга эргашмоғимиз ва биродарларимиздан бизга ёмонлик қилганларини кечирмоғимиз ва қалбимизни барча мусулмонларни яхши кўриб, уларга яхшилик қилмоққа элтадиган соф-тоза қилмоғимиз қандай ҳам гўзалдир.

Энг афзал ва олийжаноб кишининг авфи.

Зотур-Риқоъ жангида мусулмонлар катта бир дарахтнинг олдига келиб, уни Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам –га сояланмоқлари учун ҳозирлаб қўйдилар.

Росууллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам - дарахтга қиличларини осиб, унинг остида дам олдилар.

Шу вақт бир мушрик келиб, қилични олганида Росууллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам - уйғониб кетдилар. Шунда ҳалиги мушрик қилични Росууллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - га қаратиб:"Мендан қўрқяпсанми?"-деди.

Росууллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Йўқ!"- дедилар.

Мушрик:"Мендан сени ким сақлайди?" - деди.

Росууллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам -: "Аллоҳ" - деб жавоб бердилар.

Бу ҳолатдан мушрикнинг қўлидан қилич тушиб кетди. Росууллоҳ -соллоллоҳу алайҳи ва саллам- қилични олиб, унга қараб:"Энди сени мендан ким сақлайди? - дедилар.

У мушрик:" Энг яхши бўлинг"-деди.

Росууллоҳ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам - унга "Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ" - деб, "мени Аллоҳнинг росули эканлигимга" - гувоҳлик бериб, таслим бўлсанг - дедилар.

Мушрик:"Йўқ!, лекин сизга қарши жанг қилмасликка ва сизга қарши жанг қилаётган қавм билан бирга бўлмасликка аҳд бераман" - деди.

Росууллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - уни авф, этиб-кечириб юбордилар.

Мушрик ўз қавмига бориб, уларга:"Мен энг яхши одамнинг ҳузуридан келдим" - деди.

Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- ўч олмоққа қодир бўлган вақтда ҳам авф қилмоқ-кечирмоқни яхши кўрувчи ва ўзларига ёмонлик қилган кишига яхшилик билан жавоб бермоққа ҳарис эдилар.

Аллоҳ таоло - Пайғамбаримиз -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-га бу туғрида шундай деган:

﴿خُذِ الْعَفْوَ وَأْمِرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَهَلِينَ﴾
الأعراف: ١٩٩

{(Эй Пайғамбар), кечиrimли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгириング!}

Аъроф 199

Пайғамбаримиз - соллаллоҳу алайҳи ва саллам- нинг авфлари.

Ривоят қилинадики, Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - нинг ҳузурларига бир аъробий келиб, бирор нарса эҳсон қилмоқларини талаб қилди. Росулуллоҳ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам – унга эҳсон қилиб, муруват қилдилар.

Сўнг: "Сенга яхшилик қилдимми"? - деганларида.

Аъробий:"Йўқ! дуруст қилолмадингиз!"- деди.

Буни эшитган Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - нинг асҳоблари аъробийнинг айтган сўзидан ғазабланиб, уни жазолаш учун турдилар. Росулуллоҳ - соллаллоҳ алайҳи ва саллам - асҳобларига уни ҳоли қўймоқларига ишора қилдилар.

Сўнг ўша аъробийни ўзлари билан бирга олиб, уйларига кирдилар-да ва қилган яхшиликларидан ҳам зиёда қилиб муруват кўрсатдилар-да, сўнг унга яна: "Яхшилик қилдимми?"- дедилар.

У киши Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-га: "Ҳа" Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофатласин!"-деб дуо қилди. Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-унга:"Сен олдин менга айтган сўзингдан афсусдаман дединг.

Энди буни асҳобларимнинг олдида ҳам айтгин. Уларнинг қалбларидан сенга бўлган нафрат кетсин" - дедилар.

У киши:"Хўп бўлади" деди.

Сўнг эртасига эрталаб - Росулуллоҳ - соллоплоҳу алайҳи ва саллам - нинг мажлисларига келди. Росулуллоҳ - соллоплоҳу алайҳи ва саллам -:"Бу кишига сўраган нарсасини зиёда қилиб бердик. Албатта у рози бўлди деб ўйлайман дедиларда, унга: " шундайми?" дедилар.

У киши:"Аллоҳ сизни мукофатласин" –деди, сўнг шод бўлиб қайтиб кетди.

Уларнинг ажрлари Аллоҳнинг ҳузурида.

Анас ибн Молик -розияллоҳу анху- дан келган ҳадисда, Росууллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- айтадилар: "Бандалар ҳисоб-китоб бермоқлари учун турганларида, қонлари оқиб - томиб турган, қиличларини эса бўйинларига осиб олган бир қавм келади. Улар жаннат эшиги олдида тўпланадилар.

Сўнг: "Ана улар ким?" - дейилади.
Шунда: "Улар тирик ҳолларида ризқланган шаҳидлар" – дейилади.

Сўнgra бир нидо қилгувчи: "Ажри Аллоҳнинг ҳузурида бўлган киши турсин ва жаннатга кирсин" - деб нидо қиласди.

Сўнг яна бир бор: "Ажри Аллоҳнинг ҳузурида бўлган киши борми?" – дейилади.

Нидо қилувчи зот:"Одамларни кечириб - авф қилгувчилар" - деб жавоб беради.

Сўнг нидо қилгувчи учинчи мартта:"Ажри Аллоҳнинг ҳузурида бўлган киши турсин ва жаннатга кирсин" - деб нидо қиласди.Шунда

минглаб (авф этувчи) кишилар ҳисобсиз жаннатга кирадилар.

Олтин қаср.

Ривоят қилинадики, Бир куни Ресулллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам- асҳоблари билан ўтирганларида кулдилар. Умар ибн Хаттоб - розияллоҳу анху- Пайғамбаримиз-соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан кулганлари сабабини сўрадилар. Ресулллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:" Умматимдан икки киши Улуғ Роббилиарининг олдида тиз чўккан ҳолда ўтириб, уларнинг бири: "Эй Роббим биродарим томонидан менга бўлган зулмни олиб бергин" - дейди.

Аллоҳ:"Сен буни биродаринга қандай раво кўрасан? Унинг ҳасанотлари яхшиликларидан бирон нарса қолмади"- дейди.

Талаб қилувчи киши:"Эй Роббим, менинг гуноҳларимдан олиб ташлагин"- дейди.

Аллоҳ талаб қилувчи кишига: "Кўзингни кўтариб, юқорига қара" - деб айтади.

Сўнг талаб қилгувчи юқорига қараб: "Эй Роббим, мен олтиндан бўлган шаҳарларни ва маржондан бўлган қасрларни кўряпман! Бу қайси пайғамбар

учун? ёки қайси содиқ учун? ёки шахид учун?" - дейди.

Аллоҳ:" Пулини берган кишиники" - дейди.
Талаб қилгувчи киши:"Эй Роббим, ким бунга қодир бўларди? -дейди.

Аллоҳ унга:"Сен"- дейди.
Талаб қилгувчи киши:"Қандай қилиб?"- дейди.
Аллоҳ:"Сен биродарингни авф этиб, кечириб юборганинг туфайли" - дейди.

Талаб қилгувчи киши: " Ҳа! Эй Роббим, мен уни кечиргандим"- дейди.

Аллоҳ унга:"Биродарингни қўлидан олиб, уни жаннатга киргизгин" - деди.

Умумий авф.

Мушриклар Маккада Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- ва асҳобларига кўп азиятлар етказишар эди. Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин ҳам, у зотга қарши жанг қилдилар. Бу бўлиб ўтган нарсаларга қарамай, Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- Макканинг фатҳидан сўнг Каъбани тавоғ қилдилар. Тавоғ қилиб бўлгач:"Эй Қурайш жамоаси, мен сизларни нима қиласман деб ўйлайсизлар?- дедилар.

Макка аҳли Росулуллоҳ -соллоллоҳу алайҳи ва саллам-ни авф қилмоқларини истаб: "Яхшиликни умид қиласиз! Сиз олийжаноб инсонсиз!.. Олийжаноб инсоннинг боласисиз !...- дедилар.

Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- :"Мен сизларга Юсуф –алайҳис салом- акаларига айтган сўзни айтаман деб:

﴿ قَالَ لَا تُثْرِبَ عَلَيْكُمْ أُمُّ الْيَوْمَ يَغْفِرُ اللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرَحَمُ ۚ ﴾

﴿ أَلَّرَحْمَمِينَ ﴾ ٩٢ يوسф:

"Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир." -деб айтдилар.

Росулуллоҳ -соллоллоҳу алайҳи ва саллам- уларни авф этиб, кечириб юбордилар. Қавм эса Росулуллоҳ -соллоллоҳу алайҳи ва саллам-нинг авфлари билан ҳурсанд бўлиб тарқалдилар.

Умид қилинган авф.

Шоир Каъб ибн Зуҳайр ва укаси Бужайр Росулуллоҳ -соллоллоҳу алайҳи ва саллам- олиб келган янги даъват ҳақида эшитдилар.

Бужайр акаси Каъбга:"Сиз кутиб туринг,мен бориб, бу киши айтаётган гапларини эшитиб кўраман" - деди.

Бужайр Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам-нинг ҳузурларига бориб даъватларини эшитгандан сўнг, Аллоҳ уни Исломга ҳидоят қилди. Каъб укасини Исломга кирганлигини эшитиб ғазабланди ва Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам-ни ҳақоратлаб бир қасида айтди.

Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- бу ҳақда хабар топганларида, Каъбни ўлдиришга рухсат бердилар.

Бужайр Каъбни огоҳлантириб, Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам-дан узр сўрашга ва Исломга киришга насиҳат қилди. Каъб эса насиҳатдан юз ўгириб, қочиб кетди. Бир неча кун ўтганидан сўнг, Аллоҳ Каъбни ҳам қалбини Исломга очди. У Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам-нинг ҳузурларига келиб, Исломга кирмоққа байъат бериб, узр сўради ва Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- ни мадҳ этиб, қуйдаги қасидани айтди:

"Албатта Росулуллоҳ -соллоплоҳу алайҳи ва саллам- ёритгувчи бир нурдур!,
Аллоҳнинг қиличларидан чиқарилган ўткир бир қиличдур!"

"Менга шундай хабар берилдики, Росулуллоҳ - соллоплоҳу алайҳи ва саллам- менга ваъда қилибдур!

Аллоҳнинг элчиси ҳузуридаги авф - умид этилгусидур!"

Каъб қасидани айтиб бўлгач, Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам- унга тўнларини кийдириб, авф этиб, кечириб юбордилар.

Юсуф –алайҳис салом-нинг авфи.

Яъқуб -алайҳис-салом- ўғли Юсуф –алайҳис-салом-ни акаларидан кўра кўпроқ яхши кўриб, унга қаттиқ муҳаббат қўйган эдилар. Акалари бу муҳаббат туфайли Юсуф-алайҳис-салом-га ҳасад қилиб, бу муҳаббатни қизғандилар. Сўнг Улар Юсуф -алайҳис-салом-дан қутилмоққа қарор қилдилар-да, Оталаридан яйловга ўйнаб - дилхушлик қилмоқ учун Юсуфни ўзлари билан бирга олиб кетмоққа рухсат сўрадилар. Оталари рози бўлиб, изн берди.

Сўнг улар Юсуфни ўзлари билан бирга олиб кетди ва у ерда уни бир қудуққа ташлаб юбордилар. Сўнг кеч тушгач Оталарининг ҳузурига

йиғлаб қайтиб көлиб, Юсуф -алайҳис-салом-ни бўри еб қўйди деб - хабар бердилар.

Ота Юсуф -алайҳис-салом-дан айрилганидан қаттиқ хафа бўлди. Қудуқнинг ёнидан бир карвон ўтдиб, Юсуф-алайҳис-салом-ни қудуқдан чиқариб, уни ўзлари билан олиб кетдилар ва уни Миср подшосига сотиб юбордилар.

Юсуф-алайҳис-салом- подшоҳнинг қасрида тарбия топди ва гўзал аҳлоқи,кенг илми туфайли Миср подшосига вазир бўлди. Мана шу орада Юсуф-алайҳис-салом-нинг акалари ўз аҳлларига айrim озиқ - овқатларни сотиб олмоқ учун Мисрга келдилар. Шаҳарга кирганларида уларни Юсуф-алайҳис-салом- таниди. Акалари эса Юсуф -алайҳис-салом-ни танимадилар. Лекин Юсуф -алайҳис-салом-га бир неча бор шубҳаланиб қарадилар.

Юсуф-алайҳис-салом-га акаларидан ўч олмоққа айни фурсат бўлганди. Аммо Юсуф-алайҳис-салом- уларнинг қилган ишларини кечиб авф қилдиларда, уларга шундай дедилар:

﴿ قَالَ لَا تَثْرِيبَ عَلَيْكُمْ الْيَوْمَ يَعْفُرُ اللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرَحَمُ ۝ ﴾

﴿ ۹۲ ﴾  **آلَّرَّحَمِينَ** يوسف:

"Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлироғидир." Ўсуф сураси 92-оят.

Ағв ва эҳсон.

Али Зайнул Обидин ибн Ҳусайн -розияллоҳу анху- туғриларида ривоят қилинади. У зотга ҳизматкор ғуломи сополдан ясалган кўзада сув қўйиб турган эди, кутилмагандан кўза Зайнул Обидиннинг оёғига тушиб кетади ва Зайнул Обидиннинг оёғи жароҳатланди. Бундан Али Зайнул Обидин ғазабланиб юзи ўзгарди.

Шунда ғулом бола: "Эй Ҳожам! Аллоҳ таоло:

﴿ وَالْكَاظِمِينَ الْغَيْظَ ﴾
آل عمران: ۱۳۴

{Ғазабларини ютадиганлар}-деб айтган" - деди.

Зайнул Обидин:"Ғазабимни босдим" - деди.

Бола: "Аллоҳ таоло:

﴿ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ ﴾
آل عمران: ۱۳۴

{Одамларни авф қилгувчилар} деб айтган"- деди.

Зайнул Обидин:"Сени кечирдим"- деди.

Бола: ﴿ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴾
آل عمران: ۱۳۴

"Аллоҳ: {Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни яхши кўради} -деб айтган"- деди.

Зайнул Обидин:"Сен Аллоҳ учун озодсан"- деди.

Ҳақиқий афв.

Ҳикоя қилинишича, Амирларнинг бири бир жамоа асиrlарни қўлга олди ва уларни ўлдирмоқни қасд қилганида, асиrlардан бири ўзларини ўлдирмоқдан олдин таом ва сув бермоқларини талаб қилди. Амир уларга таом ва шароб ҳозирлатди.

Улар еб – ичиб, тўйдилар. Сўнг асиrlарнинг бири:"Эй Амир Аллоҳ сизни амирлигингизни узайтирсин. Биз сизнинг асиrlингиз эдик, ҳозир эса мәҳмонингизмиз! Энди! Ўз мәҳмонларингизга нима қилаётганингизга қарамайсизми? - деди.

Шу вақтда Амир уларга:"Мен сизларни афв қилдим"- деди.

Мўминлар Амирининг афви.

Ўяйна ибн Ҳисн -розияллоҳу анҳу- Мадинаға келиб, жияни Ҳарр ибн Қойс -розияллоҳу анҳу- никида турди.

Ҳарр қори ва олим бўлгани сабабли Мўминларнинг амири Умар ибн Хаттоб -розияллоҳу анҳу-нинг мажлисидаги яқин одамлардан эди.

Ўяйна Ҳаррга:"Эй жиян ! Мўминларнинг амиридан ҳузурларига кирмоққа изн сўраб бер" - деди. Ҳарр амакиси учун изн сўради, Умар -розияллоҳу анҳу-унга рухсат бердилар.

Ўяйна Мўминлар амирининг ҳузурида турган вақтида: "Ҳай – Ҳот! ибн Хаттоб! Аллоҳга қасамки! Сен бизга кўп серобликларни бермадинг ва бизни орамизда одил хукм қилмадинг!" - деди.

Умар -розияллоҳу анҳу-ғазабландилар, ҳаттоки уни уриб таъзирини бериб қўймоқчи бўлдилар.

Шу онда Ҳарр шундай деди:"Эй Мўминларнинг амири! Албатта Қудратли ва Улуғ Аллоҳ:

﴿ خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَهَلِ ۚ ﴾
الاعراف: ۱۹۹

{Афв қилгувчи – марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг!}- деган.

Мўминларнинг амири бу ояти каримани эшитиб, Ўяйнани авф этдилар.

Пайғамбар авлодининг афви.

Ҳикоя қилинишича, Ҳусайн -розияллоҳу анхұнинг ўғли Али Зайнул Обидин ғуломлари билан бирга масжидга кетаётган эди. Зайнул Обидинга бир киши йўлиқди ва Зайнул Обидинни сўкиб, ҳақоратлай бошлади. Дастёр - Ғуломлар ўша кишини урмоқ учун шайланди. Аммо Зайнул Обидин унга азият етказмоқдан уларни қайтарди.

Сўнг у кишига қараб: "Мен айтган нарсангдан кўпига лойиқман ва сен мен хақимда билган нарсангдан-да билмаган нарсанг кўп, агар сенга керак бўлса мен ўзим хақимда айтиб бераман"- деди.

У киши Зайнул Обидиндан уялиб қолди. Сўнг Зайнул Обидин кўйлагини ечиб у кишига берди, яна унга минг дирҳам бермоққа амр қилдилар.

У киши кета туриб шундай деди: "Гувоҳлик бераманки! Бу йигит Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам - нинг авлодидир!"

Араздан сўнг афв.

Абдуллоҳ ибн Зубайр холалари Оиша - розияллоҳу анҳо- эгалик қиласиган уйда яшар эди. Оиша -розияллоҳу анҳо- у уйни сотиб юбордилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр холаларидан ғазабланиб,

холасига мулкларини тасарруф қилмоғига албатта тұсқынлик қиласман деди. Оиша -розияллоҳу анҳо-Абдуллоҳнинг айтган сўзини билганида, то ораларини ўлим ажратмагунича унга гапирмасликка қасам ичдилар.

Хусумат кўпга чўзилди. Зубайр -розияллоҳу анҳу- ўғли Абдуллоҳни Оиша -розияллоҳу анҳо-нинг ҳузурларига рози бўлмоғи ҳамда хатосини афв қилмоғи учун кўп маротаба юборди. Аммо Оиша -розияллоҳу анҳо- бош тортдилар.

Кунлардан бир куни Масрур ибн Махрама ва Абдуллоҳ ибн Асвад -розияллоҳу анҳумлар- Оиша -розияллоҳу анҳо-нинг ҳузурларига келдилар, улар билан бирга Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам бор эди. У икковлари Оиша -розияллоҳу анҳо-нинг ҳузурларига кирмоққа изн сўрадилар. Оиша -розияллоҳу анҳо- уларга изн бердилар. У икковлари:"Ҳаммамизми?"- деди. Оиша -розияллоҳу анҳо-: "Ҳа барчангиз"- дедилар.

Сўнг Абдуллоҳ ибн Зубайр улар билан бирга кирди ва пардани очиб холасини қучоқлаб қаттиқ йиғлади ва қон-қариндошлиқ учун ўзини авф қилмоқларини сўради.

Масрур ва Абдуллоҳ Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан:"(Мусулмон кишига биродаридан уч кундан ортиқ хафа бўлмоғи ҳалол эмасдур") - деган ҳадисни айтдилар.

Оиша -розияллоҳу анҳо- йигладилар ва уни афв қилдилар. Сўнг қасамларини каффоратига қирқта қулни озод қилдилар.

Сиддиқнинг ағви.

Абу Бакр -розияллоҳу анҳу- қариндошларидан бири Мистаҳ ибн Усосага нафақа қилиб турар эдилар.

Лекин бу эҳсонни Мистаҳдан - ҳатто мўминларнинг онаси Оиша -розияллоҳу анҳо-га бўлган бўхтонни тарқатишда мунофиқларга шерик бўлишига қарамай тўхтатмадилар. Мунофиқларнинг уйдирмаларини баён қилиб ва Оиша -розияллоҳу анҳо-нинг пок эканини изҳор қилиб Қуръони карим нозил бўлган вақтдагина Абу Бакр -розияллоҳу анҳу- Мистаҳдан нафақани тўхтатмоқни азм қилдилар.

Аллоҳ мусулмонга ёмонлик қилган кимсага афв қилиб, кечирмоқни билдиримоқни хоҳлади. Шундан сўнг Аллоҳнинг ушбу ояти нозил бўлди:

﴿ وَلَا يَأْتِلُ أُولُو الْفَضْلِ مِنْكُمْ وَالسَّعَةُ أَنْ يُؤْتُوا أُولَى الْقُرْبَى وَالْمَسْكِينَ
 وَالْمُهَاجِرِينَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَيَعْفُوا وَلَيَصْفَحُوا أَلَا تَجْبُونَ أَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَكُمْ
 وَاللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾ النور: ٢٢

{(Сизлардан фазл ва кенг-катта (мол- давлат)эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳтоҗларга Аллоҳ Йўлида инфоқ-эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки (уларни) афв қилиб, кечирсинглар! Аллоҳ Мағфиратли, Мехрибондир.)} Нур сураси. 22 оят.

Абу Бакр -розияллоҳу анҳу- Мистаҳни афв қилишда ҳеч иккиланмадилар ва илгариги одатларидек хайр-эҳсон қилмоққа қайтдилар. У зот: "Аллоҳ мени кечирмоғини яхши кўраман!"- дер эдилар.

Мўминлар онасининг афви.

Мўминларнинг онаси Сайида София бинти Ҳуяй -розияллоҳу анҳо-га хизмат қиладиган бир чўри бор эди.

Кунлардан бир куни бу чўри Халифа Умар ибн Хаттоб -розияллоҳу анҳу-нинг ҳузурларига бориб: "Сайида София -розияллоҳу анҳо- яҳудийларнинг

ҳафталиқ байрами бўлмиш шанба кунини яхши кўради ва яҳудийларни зиёрат қилмоқ учун боради" - деб хабар берди.

Умар ибн Хаттоб -розияллоҳу анҳу- Сайида София-розияллоҳу анҳо-га элчи юбордилар. София -розияллоҳу анҳо- келгач, унга чўрининг айтганларини хабар бердилар.

София-розияллоҳу анҳо- у зотга шанба кунини, Исломга киргандан ва Аллоҳ уни жума кунига алмаштиргандан бери яхши кўрмаслигини ва Яҳудийларни зиёрат қилмоқларининг сабаби эса, ўзи билан уларнинг орасида силай раҳм учун эканлигини айтдилар.

София -розияллоҳу анҳо- уйларига қайтгач чўридан нимага бундай қилганлигини сўрадилар.

Чўри Шайтон васваса қилганлигини айтди. Сайида София-розияллоҳу анҳо- бу ёмонликни яхшилик билан қабул қилдилар-да, чўрини афв қилиб, унга сен озодсан кетавергин - дедилар.

Енгил хото.

Ривоят қилинишича, Фахрли бойлардан бири хизматкорига таом қилмоққа буюрди ва унга бир нечта ёрдамчилар чақириб берди.Хизматкор дастурхонни ҳозирламоқдан бошлади.

Сўнг хизматкор иссиқ шўрвага тўла бир товоқни олиб келаётганда, йўлда қоқилиб кетиб, шўрвани бирози бойнинг кўйлагига тўкилиб кетди. Бой бундан ғазабланиб, соқчиларига хизматкорни бўйнига урмоққа буорди.

Хизматкор хожаси уни ўлдирмоққа бўлган талабини кўриб, шўрванинг ҳаммасини хожасининг кўйлагига тўкиб юборди.

Бой қаттиқ ғазабланиб унга: "Холинга вой бўлсин! Эй хизматкор! Нега бундай қилдинг?" - деди.

Хизматкор:" Эй ҳожам буни сиз туфайли яна сизнинг обрўйингиздан қўрқиб, одамлар сизни оддий бир хатони деб хизматкорини ўлдирибди - демаслари учун мен ўлимга ҳақли бўлган айни қилмоқни хоҳладим, ҳатто сизга зулм қилиб, тухмат қилмаслари учун бу ишни қилдим" -деб жавоб берди.

Бой бироз туриб қолиб, сўнг хизматкорга қаради ва унга: "Гўзал узринг учун сени афв қилдим! Бор - кетавер! Сен озодсан" - деди.